

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил ноябрь ойининг 01 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди очик, суд мажлисида, ўз биносида бўлиб, ҳайъатда судья Г.Негматовнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари З.Низомов ва С.Ашуровлардан иборат таркибда, судья ёрдамчиси П.Рахмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Фармонов, судланувчи Х.Қудратов ҳамда унинг ҳимоячиси Ургут туманидаги “Маъдиев Ғанихон” адвокатлик фирмаси адвокати С.Нуруллаевларнинг иштирокида, Қудратов Холис Ботировичга нисбатан 1-1416-2201/338-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Қудратов Холис Ботирович (Qudratov Xolis Botirovich), 1984 йил 14 июль куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, Самарқанд Давлат Университети талабаси, муқаддам судланмаган, оилалик, 3 нафар фарзанди бор, партиясиз, депутат эмас, Самарқанд вилояти, Ургут тумани, “Қуйи Муминобод” маҳалласида яшаган, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 227-моддаси тартибида 2022 йил 22 июль куни ушланиб, 23.07.2022 йилда “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 25 сентябрь куни олган, руҳан соғлом,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан айбланган.

Суд ҳайъати, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, томонларнинг музокара ва судланувчининг охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни;-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Қудратов Холис Ботирович - 2022 йил 21 июль куни соат 15-00да, Ургут тумани “Қуйи Муминобод” маҳалласида яшовчи Қурбонов Юсуп Усмоновичнинг яшаш уйига сариқ рангли “спички” ёзувли гугурт қутисида жами бўлиб 7 (етти) дона рангсиз қоғоз бўлақларига алоҳида алоҳида қадоқланган, умумий вазни 0,12 грамм кўп миқдордаги “героин” гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадида ташиб келганлиги Ургут тумани 3-сон ИИБ ЖКҒ ва ХПГ ходимлари томонидан Қурбонов Юсуп Усмоновични яшаш уйини кўздан кечириш давомида аниқланиб, Х.Қудратов ўтирган кўрпача остидан сариқ рангли “спички” ёзувли гугурт қутисида жами бўлиб 7 (етти) дона рангсиз қоғоз бўлақларига алоҳида алоҳида қадоқланган, оч сарғич рангли, ўткир ҳидли, 0,12 грамм кўп миқдордаги “героин” гиёҳвандлик моддаси холислар иштирокида ҳужжатлаштириб олинган.

Самарқанд вилоят ИИБ ЭКБнинг 23.07.2022 йилги 589-сонли хулосасига кўра, Қудратов Холис Ботировичдан далилий ашё сифатида ҳужжатлаштириб олинган 7 (етти) дона рангсиз оқ қоғозлардаги оч сарғич рангли тошчасимон кукунсимон кўринишдаги модда таркибида гиёҳвандлик модда – диацетиморфин мавжуд бўлиб, бу модда “героин” гиёҳвандлик моддаси эканлиги, соф оғирлиги 0,12 (нол бутун юздан ўн икки) грамм эканлиги кўрсатилган.

Судда сўралган судланувчи Қудратов Холис Ботирович ўз кўрсатувида, айбига қисман иқрорлик билдириб, муқаддам гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилиб келганлиги, бироқ, Россия давлатига ишлаш мақсадида борган вақтида гиёҳвандлик



воситаси истеъмол қилишни воз кечганлигини, воқеадан тахминан икки ойлар олдин такроран гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилишни бошлаганлиги, Ургут тумани “Чеп” бозорида “Фирдавс” исмли бола билан танишиб қолганлиги ва ундан истеъмоли учун “героин” гиёҳвандлик воситаси сотиб олиб, истеъмол қилганлиги, шу сабабли “Фирдавс” билан танишиб қолганлиги, ўзи яшаб келаётган Ургут тумани, “Қуйи Муминобод” маҳалласида яшовчи Қурбонов Юсуфнинг гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилишлиги, уни уйи маҳаллани четга қисмида жойлашганлиги, унинг уйига одамлар бормаслиги сабабли гиёҳвандлик воситасини Ю.Қурбоновнинг уйига олиб бориб, у билан биргаликда истеъмол қилишни бошлашганлиги, бир неча маротаба Ю.Қурбоновнинг уйида ўзи олиб борган гиёҳвандлик воситасини биргаликда истеъмол қилишганлиги, 2022 йил 21 июль куни Ю.Қурбоновга қўнғироқ қилиб, ўзида гиёҳвандлик воситаси борлиги, унинг уйига биргаликда истеъмол қилиш учун боришлигини айтганида Ю.Қурбонов рози бўлганлиги, шундан сўнг у гурурт қутисидаги, етти дона қоғоз бўлақларига қадоқланган 7 чек “героин” гиёҳвандлик воситасини олиб, Ю.Қурбоновнинг уйига борганлиги, Ю.Қурбонов уни уйининг бир хонасига бошлаб киргач, у Ю.Қурбонов билан бироз суҳбатлашиб ўтиргани ва Ю.Қурбонов овқат олиб келиш учун ташқарига чиқиб кетганлиги, у хонада дам олиб ётган вақтида хонага профилактика инспектори ва маҳалла раиси кириб келганлиги ва профилактика инспектори ундан гиёҳвандлик воситаси қани деб сўраганида, у ўзи ўтирган кўрпачанинг остидан ичида 7 чек гиёҳвандлик воситаси мавжуд бўлган гурурт қутиси олиб профилактика инспекторига тақдим қилганлиги, шундан сўнг профилактика инспектори хонани текшириб кўриб, дерада тоқчасида турган, ичида ёғ солинган бир дона пиёлани ҳам олиб, уларни профилактика инспекторининг хонасига олиб боришгач, шу ерда ЖҚБ ходимлари ҳамда холислар билан биргаликда ундан олинган гиёҳвандлик воситасини хужжатлаштириб олишганлиги, ИИБ ходимлари ундан гиёҳвандлик воситасини кимдан олганлигини сўраганда, у ИИБ ходимларига гиёҳвандлик воситасини Ургут тумани, “Чеп” маҳалласида яшовчи “Фирдавс” исмли шахсдан сотиб олишлигини айтиб, ўз ихтиёри билан “Фирдавс” исмли шахснинг жиноий фаолиятини фош этишда амалий ёрдам кўрсатишлигини айтиб, ариза билан мурожаат қилганлиги, шундан сўнг тезкор тадбир ташкил этилиб, унга “Фирдавс” исмли шахсдан гиёҳвандлик воситаси сотиб олиш учун холислар иштирокида 450.000 сўм пул берилганлиги, у “Фирдавс”га қўнғироқ қилиб, гиёҳвандлик воситаси кераклиги тўғрисида айтганида, “Фирдавс” унга агар “Чеп” маҳалласига келса унга гиёҳвандлик воситаси беришлигини айтгач, у ўзининг бошқарувидаги “Дамас” русумли автомашинасида Ургут тумани, “Чеп” маҳалласи ҳудудига борганлиги, шу вақтда тезкор ходим “Санжар” автомашина орқа ўриндиқлари орасига яшириниб олганлиги, “Чеп” маҳалласидаги бозорни юқориқ қисмида “Фирдавс” билан учрашганлиги, “Фирдавс” унинг автомашинасига мингач у “Фирдавс”га 450.000 сўм пулларни берганлиги, “Фирдавс” ундан пулни олгач унинг қўлига оқ рангли целлофан бўлагидан бўлган “героин” гиёҳвандлик воситасини бериб, неча грамм эканлигини айтмасдан автомашинадан тушиб кетганлиги, шундан сўнг ИИБ ходимларига “Фирдавс”дан сотиб олган гиёҳвандлик воситасини ўз ихтиёри билан топширганлиги, Ю.Қурбонов ўз уйдан унга гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилиши учун шароит яратиб берганлиги сабабли ўзида бўлган гиёҳвандлик воситасини Ю.Қурбонов билан биргаликда истеъмол қилишганлиги, унинг учун Ю.Қурбоновдан моддий манфаатдор бўлмаганлиги, Ю.Қурбонов ёки бошқа шахсларга гиёҳвандлик воситаси сотмаганлиги ёки сотиш учун бермаганлиги, ёнидан топилган гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсади бўлмаганлигини баён қилиб, содир этган қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилалик бўлиб, қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини инobatга олган ҳолда қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Х.Қудратов суд терговида айбига қисман иқрорлик билдириб атув берган бўлса-да, унинг айби суд мажлисида сўралган қуйидаги гувоҳларнинг атувлари билан ўз исботини топди.



Жумладан;

Судда сўралган гувоҳ Маматбоев Санжар Сирожиддин ўғлининг, Ургут туман ИИБ 3-сон ИИБ ЖҚГда тезкор вакил бўлиб ишлашлиги, 2022 йил 21 июль куни хизмат ҳудудида бўлган вақтида Ургут тумани, “Қуйи Мўминобод” маҳалла профилактика инспектори У.Уринов қўнғироқ қилиб, мазкур маҳаллада яшовчи Ю.Қурбоновнинг яшаш уйида шу маҳаллада яшовчи Х.Қудратовнинг ёнида гиёҳвандлик воситаси мавжудлиги аниқланганлиги, воқеа жойида ҳужжатлаштириш имконияти бўлмаганлиги сабабли таянч пунктига олиб келинганлиги тўғрисида аётганидан сўнг у таянч пунктига икки нафар холис шахслар билан биргаликда етиб келганлиги, у таянч пунктига келган вақтида, у ерда профилактика инспектори А.Уринов, маҳалла раиси Ғ.Ахадов, Ю.Қурбонов ва Х.Қудратовларни борлигини кўрганлиги, Ю.Қурбонов ва Х.Қудратовлар унга бўлган ҳолат тўғрисида айтиб беришгач, ўша ерда бўлган, “Спички” ёзувли гугурт қутисининг ичида етти дона қоғоз бўлақларига алоҳида-алоҳида қилиб қадоқланган, “героин” гиёҳвандлик воситасига узшаш моддаларни кимга тегишли эканлигини сўраганида Х.Қудратов ушбу гугурт чутиси ичида бўлган “героин” гиёҳвандлик воситаси унга тегишли эканлиги, ушбу кун маҳалладоши Ю.Қурбоновнинг уйига биргаликда истеъмол қилиш мақсадида ташиб келганлиги, Ю.Қурбоновнинг уйида ўтирган вақтида уни ИИБ ходимлари ушлаб, ўтирган кўрпачасининг остидан ушбу гиёҳвандлик воситасини аниқлашганлигини баён қилганлиги, у Х.Қудратовдан гиёҳвандлик воситасини кимдан олганлигини сўраганида, Ургут тумани “Чеп” маҳалласида яшовчи “Фирдавс” исмли шахсдан сотиб олганлигини айтишганлиги, шундан сўнг шу ерда бўлган, гугурт қутисидаги жами 7 чек гиёҳвандлик воситаси, сим бўлаги ва ичида пахта ёғи бўлган бир дона пиёлани холислар иштирокида ҳужжатлаштириб олишганлиги, Х.Қудратов “Фирдавс” исмли шахснинг жинойий фаолиятини фош этишга ёрдам беришлиги тўғрисида ариза билан мурожаат қилгач, тезкор тадбир ташкил этилиб, холислар иштирокида Х.Қудратовга 9 дона 50.000 сўмлик купюрадан иборат жами 450.000 сўм пуллар берилганлиги, Х.Қудратов ўзининг телефонида “Фирдавс” исмли шахсга қўнғироқ қилиб, унга гиёҳвандлик воситаси кераклиги тўғрисида айтганида, “Фирдавс” “Чеп” маҳалласидаги Хошим аканинг савдо дўкони олдида келган тақдирда унга гиёҳвандлик воситаси беришлигини айтгач, Х.Қудратов ўзининг “Дамас” русумли автомашинасида “Фирдавс” билан учрашишга ва ундан гиёҳвандлик воситаси сотиб олишга кетганлиги, у ҳам автомашинани орқа ўриндиқлари орасига яшириниб олганлиги, бундан ташқари телефон апаратини овоз ёзиш мосламасини қўшиб, автомашинани олд ойнаси устки қисмига яшириб қўйганлиги, улар “Чеп” маҳалласига боришгач Х.Қудратов масжит олдида “Фирдавс” исмли шахс билан учрашганлиги, “Фирдавс” автомашинани ҳайдовчи ёнидаги ўриндиғига ўтиргач Х.Қудратов унга 450.000 сўм пулларни берган вақтида, “Фирдавс” пулни санаб олиб, чўнтагидан гиёҳвандлик воситасини чиқариб, 300.000 сўмлик гиёҳвандлик воситаси олиб келганлиги, яна 100.000 сўмлик ҳақи қолганлиги, йўлда рейд бўлаётганлиги, ҳушёр бўлиб кетишини тайинлаб, Х.Қудратовга гиёҳвандлик воситасини бериб, автомашинадан тушиб кетганлиги, шундан сўнг улар 3-сон ИИБ га қайтиб келишгач Х.Қудратов уларга “Фирдавс” исмли шахсдан сотиб олган гиёҳвандлик воситасини ўз ихтиёри билан топширганлиги, 2022 йил 22 июль куни тонг вақтида “Фирдавс”ни туман ИИБга олиб келишганлиги ва ҳужжатларни расмийлаштириш вақтида “Фирдавс” номаълум томонга яширинганлиги, “Фирдавс”га нисбатан қидирув эълон қилинганлиги, унда Х.Қудратовни гиёҳвандлик воситаси савдоси билан шуғулланишлиги тўғрисида тезкор маълумотлар бўлмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Судда сўралган гувоҳ Уринов Абдурафиқ Хожиевичнинг, Ургут туман ИИБ 3-сон ИИБда профилактика инспектори бўлиб ишлашлиги, Ургут тумани “Қуйи Муминобод” маҳалласи унинг хизмат ҳудуди сифатида бириктирилганлиги, 2022 йил 21 июль куни ҳамкасби Ф.Ражабов ва маҳалла раиси Ғ.Ахадов билан маҳалла ҳудудини айланиб юришган вақтида, муқаддам бир неча маротаба судланган Ю.Қурбоновнинг яшаш уйи



олдида давлат рақами мато билан яширилган ҳолатда “Дамас” русумли автомашина тўхтаб турганлигини кўриб, шубҳаланиб, Ю.Қурбоновнинг уйига киришганлиги, Ю.Қурбонов уйдан чиқиб келганида ундан “Дамас” автомашинаси кимга тегишли эканлигини сўраганида, у автомашина Х.Қудратовга тегишли эканлигини айтиб Х.Қудратов ўтирган хонани кўрсатганлиги, улар шу хонага киришган вақтида Х.Қудратов дам олиб ётган кўрпачадан туриб, ўзини бироз шубҳали тутганидан сўнг ундан ёнида гиёҳвандлик воситалари бўлса ўз ихтиёри билан тақдим этишини сўраганида, Х.Қудратов ўз ихтиёри билан ўтирган кўрпачанинг остидан бир дона “Спички” ёзувли гугурт қутисини уларга тақдим этганлиги, шу гугурт қутиси очиб кўрилганида, ичида етти дона қоғоз бўлақларига алоҳида-алоҳида қилиб қадоқланган 7 чек “героин” гиёҳвандлик воситасига ўхшаш модда борлигини кўрганлиги, шу ерда ҳужжатлаштириш имконияти бўлмаганлиги сабабли Ю.Қурбонов, Х.Қудратовларни ҳамда гурут қутисида бўлган гиёҳвандлик воситаси, сим бўлаги ва ичида пахта ёғи бўлган пиёлани олиб, 20-31-сонли таянч пулктига келиб, тезкор вакил С.Маматбоевни чақириб, холислар иштирокида Х.Қудратовдан 7 чек гиёҳвандлик воситаси, пиёла ва сим бўлагини ҳужжатлаштириб олишганлиги, Х.Қудратов ушбу гиёҳвандлик воситасини “Чеп” маҳалласида яшовчи “Фирдавс” исмли шахсдан сотиб олганлигини айтганлиги, Ю.Қурбонов ҳақиқатдан ҳам Х.Қудратовга ўз уйида гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилиши учун шароит яратиб берганлиги, бунинг эвазига Х.Қудратов олиб келган гиёҳвандлик воситасини биргаликда истеъмол қилишликлари тўғрисида айтганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Судда сўралган гувоҳ Аҳадов Ғайрат Саъдуллаевичнинг гувоҳ Уринов Абдурафиқ Хожиевичнинг кўрсатувиغا ўхшаш берган кўрсатуви билан;

Судда сўралган гувоҳ Рустамов Собир Имамовичнинг, 2022 йил 21 июль куни Ургут туман ИИБ ходимларининг таклифига асосан холис сифатида 1033-рақамли таянч пунктига кирган вақтида ИИБ ходимлари маҳалладоши Қудратов Холис билан Қурбонов Юсуфни олиб хонага киришганлиги ва уларни бирма бир гапиртиришганлиги, Қудратов Холис “героин” гиёҳвандлик моддаси савдоси билан шуғулланишлиги, шу куни Юсуфни уйида бўлган вақтида ўзи билан сариқ рангли “спички” ёзувли гугурт қутисида жами бўлиб 7 дона рангсиз қоғоз бўлақларига алоҳида алоҳида қадоқланган оч сарғич рангли “героин” гиёҳвандлик моддасини олиб борганлиги, ушбу ҳолатни ИИБ ходимлари билиб қолишганлигини айтганлиги ва гугурт қутини ИИБ ходимлари уларга кўрсатганлиги, бу ҳолатни Қудратов Холистан ИИБ ходимлари сўрашди у ушбу гугурт қутидаги нарсалар 7 (етти) дона рангсиз қоғоз бўлақларига алоҳида алоҳида қадоқланган оч сарғич рангли, ўткир ҳидли “героин” гиёҳвандлик моддаси эканлиги, ушбу “героин” гиёҳвандлик моддасини чекишлигини айтганлиги, Қудратов Холис ушбу гиёҳвандлик моддасини доимий равишда Ургут тумани “Чеп” маҳалласидан “Фирдавс” исмли одамдан олишлигини айтганлиги, шундан кейин Қурбонов Юсуфни уйдаги хонадан пиёла олинганлигини айтишганлиги, пиёлани ичида ёғ, пахта бўлаги бўлиб, ушбу ашёлар ҳам ҳужжатлаштирилиб олинганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Судда сўралган гувоҳ Қодиров Хушнуд Нарзуллаевичнинг гувоҳ Рустамов Собир Имамовичнинг кўрсатувиغا ўхшаш берган кўрсатуви билан;

Бундан ташқари, иш ҳужжатларида мавжуд суд терговида таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган қуйидаги инкор қилиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан, яъни, - билдирги, шахсий тинтув қилиш ва яшаш хонани кўздан кечириш ҳамда далилий ашёни олиш тўғрисидаги баённома ва унга илова қилинган ДВД диск, судга оид кимёвий экспертизанинг 589-сонли хулосаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят иши ҳужжатларига қўшиб қўйиш ҳақидаги қарор, амбулатор суд наркологик экспертизанинг 373-сонли хулосаси, айбланувчи Х.Қудратов ва гувоҳ Ғ.А.Қодовларнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари асосида илова қилинган фотожадваллар ҳамда ДВД дисклар ҳамда бошқа жиноят да тўпланган ҳужжатлар билан тўлиқ ўз исботини топди.



Суд ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 7-сонли Қарорининг 5-бандида «Судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак. Суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкин» деб кўрсатилган бўлиб, суд ушбу Пленум қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи Х.Қудратовнинг содир қилган жиноятига суд жараёнида текширилиб, аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топади.

Суд ҳайъати, судланувчи Х.Қудратовнинг кўп миқдордаги “героин” гиёҳвандлик моддасини ўтказиш мақсадини кўзлаб сақлаб келганликдаги ижтимоий хавfli қилмиши тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрель кунги № 12-сонли “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорини 25-бандини 1-хатбошисида “Айбдорда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозим. Бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар киради. Иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 25-моддаси биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖКнинг 273-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилиниши керак”;

21-бандида “ЖКнинг 273-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни турлича усулда ҳақ эвазига ёки текинга (сотиш, ҳадя этиш, алмаштириш, қарзи эвазига ёки қарз сифатида ва ҳ.к.) бошқа шахсга бериш тушунилиши лозим. Бунда воситалар, моддалар, ўсимликлар шахс томонидан бевосита ёки бошқа (масалан, улар сақланадиган жой ҳақида хабар бериш, шартлашилган жойга қўйиб кетиш) усулда амалга оширилиши мумкин. Шахснинг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш учун ЖКнинг 273-моддаси тегишли қисми билан жавобгарлик уларнинг миқдори билан боғлиқ ҳолда келиб чиқади. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавfli кўриниши ҳисобланиши туфайли, мазкур қилмиш ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисми билан квалификация қилиниши лозим. Мазкур восита ёки моддаларни кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш ЖКнинг 273-моддаси бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлади” деб раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд муҳокамасида ҳамда амбулатор суд-наркологик экспертизанинг 373-сонли далолатномасига асосан Х.Қудратов гиёҳванд эмаслиги тўғрисида хулоса мавжуд, шунингдек, ундан ашёвий далил тариқасида олинган 7 (етти) дона рангсиз қоғоз бўлакларига алоҳида қадоқланган, 0,12 грамм кўп миқдордаги “героин” гиёҳвандлик



воситасининг истеъмол қилинадиган миқдордан кўп ҳисобланади.

Бундан ташқари, Х.Қудратовнинг гиёҳвандлик воситасини ўзга шахсга сотишини тасдиқловчи, мақбул далиллар, шунингдек гиёҳвандлик воситасини сотишга қаратилган реал ҳаракатларни содир этганлиги аниқланмади. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Х.Қудратовдан кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини назорат тартибида сотиб олиш юзасидан тезкор тадбирлар ташкил этилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 май кунги 07-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорини 5-бандида “Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак” деб раҳбарий тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида “Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имконияти тугаган бўлса судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги” кўзда тутилган.

Шу сабабли суд ҳайъати, юқорида кўрсатилган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда судланувчи Х.Қудратовнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмидан ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилишни ва ушбу қарорни ҳукмнинг қарор қисмида қайтадан кўрсатиб ўтмасликни лозим деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, судланувчи Х.Қудратовнинг жиноят содир этишдаги ҳолатини муҳокама қилиб, айбига қисман иқрорлигини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан қонунда белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб баҳолайди.

Суд ҳайъати, судланувчи Х.Қудратовга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, жиноятни келиб чиқиш сабаблари ва хусусиятини, шахсини, ёшини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кундаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандидаги “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деган, 26-бандидаги “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса қўлланилади” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя этиб, судланувчи Х.Қудратов томонидан содир этилган жиноят оғир жиноятлар туркумига киришлиги, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат бўлган жиноятларнинг жамият учун хавфлилик даражасини алоҳида эътиборга олиб, жазо миқдорини белгилашда айбини енгиллаштирувчи ҳолатларини инobatга олиб, ЖКнинг 57¹-моддаси талабларига амал қилиб ҳамда ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда у айбли деб топилган ва ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилишнинг жазосининг энг кам муддатидан ҳам камроқ муддатидаги жазони тайинлашни, қўлланилган эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни лозим топади.

6

Суд ҳайъати, Ургут туман ИИБ ҳузуридаги ТБ терговчиси М.Убайдовнинг 2022 йил 23 сентябрь кундаги қарори билан мазкур жиноят ишининг Тиллаев Фирдавс Ботирович ва Қурбонов Юсуп Усмоновичга оид қисмлари жиноят иши тариқасида қўлдан олиниши ва қўлдан олиниши билан қўлдан олиниши лозим деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 0,12 грамм “героин” гиёҳвандлик воситаси кимёвий экспертиза тадқиқоти давомида тўлиқ



сарфланганлигини эътироф этиб, Ургут туман ИИБ ҳузуридаги ТБнинг АДСХда сақланаётган бир дона гугурт қутиси ва целлофан пакетчаларини ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211, 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473, 475-476-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Қудратов Холис Ботирович (Qudratov Xolis Botirovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилсин.

Қудратов Холис Ботировичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 (тўрт) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин ҳамда жазони ўташ муддати 2022 йил 22 июль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Қудратов Холис Ботировичга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгарилсин, аслича қолдирилсин.

Ашъвий далил деб эътироф этилган, Ургут туман ИИБ ҳузуридаги ТБнинг АДСХда сақланаётган бир дона гугурт қутиси ва целлофан пакетчалари ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдиришига ҳақли эканлиги, белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилиши тушунтирилсин.

| | | |
|-------------------------------|-------------|-------------------|
| Раислик қилувчи судья: | имзо | Ғ.Негматов |
| Халқ маслаҳатчилари: | имзо | З.Низомов |
| | имзо | С.Ашуров |
| “Нусхаси аслига тўғри” | | |
| Раислик қилувчи судья: | | Ғ.Негматов |

